



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
IQTISODIYOT VA MOLIYA  
VAZIRLIGI

# БЮДЖЕТНОМА 2024-2026 да “Яшил” иқтисодиётга ўтишга қаратилган ислоҳотлар



Тошкент 2023 йил

1. 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодийётга ўтиш стратегияси доирасида “яшил” ва инклюзив иқтисодий ўсишни таъминлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш ҳамда иқтисодийётнинг барча тармоқларида ресурсларни тежашни янада кенгайтириш мақсадида 2022 йил 2 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2030 йилгача Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодийётга ўтишига қаратилган ислохотлар самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-436-сон қарори қабул қилинди.

Қарор билан қуйидаги стратегик ҳужжатлар ва тизимлар тасдиқланди:

- стратегик мақсадларга эришишга мўлжалланган 2030 йилгача Ўзбекистон Республикасида “яшил” иқтисодийётга ўтиш ва “яшил” ўсишни таъминлаш **Дастури**;

- саноат тармоқларида “яшил” иқтисодийётга ўтиш ва энергия тежамкорлигини таъминлаш бўйича **Концепция**;

- 2030 йилгача Ўзбекистон Республикасида “яшил” иқтисодийётга ўтиш ва “яшил” ўсишни таъминлаш бўйича **Ҳаракатлар режаси**;

- ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг энергия сиғими кўрсаткичини 2026 йилга келиб 2022 йилга нисбатан 20 фоизга камайтиришга қаратилган 2022–2026 йилларда иқтисодийёт тармоқларида ёқилғи-энергетика ресурсларини тежашнинг **Мақсадли параметрлари**;

- Ўзбекистон Республикасида “яшил” иқтисодийётга ўтиш чораларини мувофиқлаштириш бўйича **Идоралараро кенгаш** таркиби янгиланди;

- “Яшил” иқтисодийётга ўтиш ва “яшил” ўсиш бўйича **Донорларнинг мувофиқлаштириш гуруҳи** тасдиқланди;

- Донорларнинг мувофиқлаштириш гуруҳи фаолиятини ташкил қилувчи, “Яшил” иқтисодийёт Стратегияси, Дастури ва Ҳаракатлар режасида белгиланган вазифаларни амалга оширишда уни Идоралараро кенгаш билан ўзаро мувофиқлаштиришга кўмаклашишда ишчи органи вазифасини бажарувчи лойиҳа офиси **Техник котибияти** ташкил этилди.

2. Франция тараққиёт агентлиги (ФТА) билан ҳамкорликда **“Яшил” иқтисодийёт бўйича давлат сиёсати соҳасида қарз дастури** амалга оширилди. Мазкур дастур доирасида ФТА томонидан Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодийётга ўтишига кўмаклашиш кўзда тутилган.

Мазкур лойиҳа доирасида қазилма ёқилғилари субсидияларини хатловдан ўтказиш ва қисқартириш, иқтисодийётни декарбонизациялаш бўйича узок муддатли стратегияни ишлаб чиқиш, миллий миқёсда иссиқхона газлари ташланмаларининг мониторинги, ҳисоботи ва текшируви тизими жорий этиш, “яшил” бюджетлаштириш ва солиққа тортишни жорий қилиш ҳамда бошқа йўналишларда ишлар амалга оширилди.

3. ФТА ҳамда Бирлашган миллатлар ташкилотининг тараққиёт дастури (БМТТД) ҳамкорлигида “Иқлим ўзгариши соҳасида давлат харажатлари ва институционал таҳлил: Ўзбекистон” ҳисоботи тайёрланди.

Ҳисоботда Ўзбекистон учун Иқлим ўзгариши билан боғлиқ давлат харажатлари ва институционал таҳлил (СРЕИР) натижалари келтирилган. СРЕИР диагностика воситаси бўлиб, учта йўналиш, сиёсат/стратегия таҳлили, институционал таҳлил ва харажатларни кўриб чиқишдан иборат. Таҳлил натижаларига кўра давлат бюджети харажатларининг 10-11 фоизи иқлимга ижобий таъсир кўрсатадиган тадбирларга ажратилиши ҳамда бюджет харажатларининг иқлим ўзгаришига қарши курашиш чораларига самарали йўналтирилаётгани хулоса қилинган. Бундан ташқари, бюджет харажатларининг иқлим ўзгаришларига қарши чораларга янада самарали йўналтириш бўйича таклифлар тақдим этилган.

4. БМТТД кўмагида амалга оширилган яна бир лойиҳа доирасида “Ўзбекистонда бюджетни “Яшил” маркировкалаш (БЯМ) методологияси ва йўл харитаси” ишлаб чиқилди.

Лойиҳанинг асосий тадбирлари:

- давлат бюджетини шакллантириш жараёнининг барқарор ривожланиш мақсадларини самарали тарзда амалга оширишни қўллаб-қувватлашини таъминлаш;

- Ўзбекистонда “Иқлим бюджетини маркировкалаш” моделини ишлаб чиқиш ва жорий этиш ҳисобланади.

**41-жадвал. “Яшил” бюджетлаштириш бўйича соҳалар кесимида маркировка қилинган маблағлар жадвали, 2024 йил учун прогнози, трлн сўм**

|   | Прогноз      | Ижобий      | Салбий     | Таъсирга эга эмас |
|---|--------------|-------------|------------|-------------------|
| <b>Харажатлар, жами</b>   | <b>312,9</b> | <b>34,3</b> | <b>0,9</b> | <b>277,7</b>      |
| <i>Жами харажатларга нисбатан, фоизда</i>   | <i>100,0</i> | <i>10,9</i> | <i>0,3</i> | <i>88,8</i>       |
| 1 Ижтимоий харажатлар   | 151,5        | 0,8         |            | 150,7             |
| 2 Иқтисодий харажатлари   | 36,8         | 20,2        | 0,9        | 15,8              |
| 3 Инвестиция харажатлари  | 31,7         | 12,1        |            | 19,7              |
| 4 Давлат бошқаруви, ҳокимияти, адлия, прокуратура, суд ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларини сақлаш харажатлари | 19,8         | 1,0         |            | 18,8              |
| 5 Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, шаҳар ва туманлар  | 2,1          |             |            | 2,1               |

|  | Прогноз | Ижобий | Салбий | Таъсирга эга эмас |
|--|---------|--------|--------|-------------------|
| бюджетларининг захира жамғармалари   |         |        |        |                   |
| 6 Давлат қарзига хизмат кўрсатиш ва қоплаш харажатлари   | 16,4    |        |        | 16,4              |
| 7 Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини, шунингдек айрим хизмат турлари бўйича тарифларни ошириш билан боғлиқ харажатлар | 9,6     |        |        | 9,6               |
| 7 Бошқа харажатлар   | 44,9    | 0,2    |        | 44,7              |

5. Шунингдек, маҳсулотлар қайта тикланувчи энергия манбалари ҳисобидан ва экологик жиҳатдан тоза технологиялар ёрдамида ишлаб чиқарилганини тасдиқловчи ҳамда бу билан боғлиқ барча жараёнларни кузатиб бориш имконини берувчи “**яшил энергия сертификатлари**” тизими ишлаб чиқилди ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 12 майдаги ПҚ-156-сон қарори билан жорий этилди.

Мазкур тизимга кўра, қайта тикланувчи энергияни ишлаб чиқарувчилар “яшил сертификат”ни якуний фойдаланувчига (товарлар ишлаб чиқарувчилар, истеъмолчилар) сотади ва бу билан энергиянинг “**тозалиги**”га кафолат беради.

Бу эса якуний фойдаланувчиларга ўз маҳсулотларини сотиш ва экспорт қилиш ҳажмини ошириш (**Европа Иттифоқида сертификатлар мажбурийдир**), халқаро ва хорижий молия ташкилотларидан “**яшил**” инвестициялар ва “**яшил**” кредитларни жалб қилиш имконини беради.

6. Қазилма ёқилғилар субсидияларини камайтириш ҳисобига энергия ресурслари сарфини мақбуллаштириш мақсадида **Франция таракқиёт агентлиги** лойиҳаси доирасида **Барқарор ривожланиш халқаро институти (II SD)** кўмагида қазилма ёқилғилар субсидияларини хатловдан ўтказиш ҳамда уларни камайтириш бўйича лойиҳа йўлга қўйилди. Унинг доирасида қазилма ёқилғилари субсидияларини хатловдан ўтказиш бирламчи методологияси тайёрланди.

7. 2022 йилнинг май ойида Бухоро шаҳрида бўлиб ўтган камбағалликни қисқартириш бўйича ўтказилган халқаро форум доирасида юртимиз **Метан эмиссиясини камайтириш бўйича глобал мажбурият (The Global Methane Pledge)** ташаббусига қўшилди.

Мазкур ташаббус унга қўшилган аъзоларнинг 2030-йилгача глобал метан эмиссиясини 2020-йил даражасидан камида **30 фоизга** камайтириш бўйича

жамоавий саъй-ҳаракатларга ҳисса қўшиш учун ихтиёрий ҳаракатлар қилишга розилигини билдиради.

**8. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги 2023 йилнинг май ойида “Иқлим учун ҳаракат Молия вазирлари коалицияси”га аъзо бўлди.** Коалиция ўз фаолиятини Хельсинки принциплари асосида олиб бориши белгиланган бўлиб, мазкур принциплар қўйидагилардан иборат:

- сиёсат ва амалиётни Париж битими доирасида қабул қилинган мажбуриятларга мослаштириш;

- иқлим ўзгариши соҳасидаги тажриба ва амалий билимларни ўзаро алмашиш;

- самарали углерод савдосини йўлга қўйиш бўйича тегишли чоралар кўриш;

- макроиқтисодий сиёсат, фискал режалаштириш, бюджетлаштириш, давлат инвестицияларини бошқариш ва харидлар амалиётида иқлим ўзгаришини ҳисобга олиш;

- инвестициявий муҳитни осонлаштириш орқали иқлим масалаларини молиялаштириш учун хусусий манбаларини сафарбар қилиш;

- Париж битими бўйича тақдим этилган миллий миқёсда белгиланган ҳиссаларни (NDC) шакллантириш ва амалга оширишда фаол иштирок этиш.

**9. Ўзбекистон ва Япония ҳукуматлари иқтисодиёт тармоқларида иссиқхона газини эмиссиясини камайтиришга қаратилган замонавий “яшил” технологияларни жалб қилишни кўзда тутувчи **Joint Credit Mechanism (JCM)** механизми йўлга қўйиш бўйича келишувга эришди (2022 йил октябрда ҳамкорлик Меморандуми имзоланди).**

*Маълумот учун: Қўшма молиялаштириш механизми – Япониянинг ривожланаётган мамлакатларда замонавий технологияларнинг 50 фоизгача қисмини молиялаштириш асосида жорий қилиш орқали иссиқхона газини эмиссиясини камайтириш бўйича ҳамкорлик тизими ҳисобланади.*

**10. Жаҳон банки ҳамда Европа тикланиш ва тарққийёт банки билан биргаликда Иқтисодиётнинг декарбонизациялаш ва “яшил” ривожланиш моделига ўтиш бўйича узоқ муддатли стратегияни (LTS) ишлаб чиқиш лойиҳаси йўлга қўйилди.**

*Маълумот учун: Париж битимининг 4-моддасига мувофиқ, мамлакатлар 2050 йилгача углерод нейтраллигига эришишга қаратилган ўзларининг узоқ муддатли стратегияларини ишлаб чиқишлари лозим.*

Стратегия доирасида иқтисодиёт тармоқларида углерод нейтраллигига эришиш учун амалга ошириладиган асосий чора-тадбир ва лойиҳалар, талаб

қилинадиган капитал қўйилмалар ҳажми кўрсатилган инвестиция режаси тармоқлар кесимида тайёрланади.

#### **11. Жаҳон банки билан биргаликда:**

– 2030 йилгача иқлим ўзгаришининг Ўзбекистон иқтисодиётига бевосита ва билвосита таъсирлари ўрганилди ҳамда унинг асосида **“Towards a Greener Economy”** ҳисоботи тайёрланиб, иккинчи Халқаро иқтисодий форумда тақдимот қилинди ҳамда ЖБ ва Вазирлик расмий веб-сайтларида жойлаштирилди;

– Иқлим ўзгариши шароитида иқтисодий ўсишни таъминлаш бўйича миллий баҳолаш (CCDR – **Climate Change and Development Report**) лойиҳасини амалга ошириш йўлга қўйилди. Ушбу баҳолаш иқтисодиётга халқаро арзон “яшил” молиявий кўмакларни жалб қилишга ёрдам беради.

#### **12. Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликда:**

- Ўзбекистонда давлат инвестицияларини бошқаришни баҳолашнинг иқлим билан боғлиқ мезонларини (**C-PIMA**) қўллаш имконияти ўрганилди ва уни жорий қилиш бўйича тегишли таклиф ва тавсиялар тайёрланди;

- йирик саноат корхоналарида **экологик, ижтимоий ва корпоратив бошқарув тамойилларини (ESG)** жорий қилишнинг жорий ҳолати ўрганилди, ушбу тамойилларни кенг жорий қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди ҳамда семинар тренинглар ташкил қилинди;

- Ўзбекистонда **иқлим ўзгаришининг иқтисодиёт тармоқларига бўлган хавфини баҳолаш** инструментини (**Climate Risk Assessment Tool**) ишлаб чиқиш бўйича техник кўмак жалб қилинди;

- Ўзбекистонда **гендер тенглигини таъминлашга қаратилган дастурий бюджетлаштириш тизимини** жорий этиш бўйича музокаралар ўтказилди ва бажарилиши лозим бўлган қадамлар белгилаб олинди.

**13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида айланма иқтисодиётни ривожлантириш ҳамда қаттиқ биоёқилгидан фойдаланиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори** лойиҳаси ишлаб чиқилди ва Вазирлар Маҳкамасига киритилди.